

ularning ijodidan xalqni bahramand etishga erishayapmiz.

Birlashmamiz "Mustaqillik" va "Navro'z" umumxalq bayramlarida muntazam ravishda ishtirok etib keladi. Hozirgi kunda Konstitutsiyamizning 20 yilligi munosabati bilan "Turkiston" saroyida bo'lib o'tadigan bayram dasturiga katta tayyorgarlik ko'rilmoqda.

Oldimizga qo'ygan asosiy maqsadlarimizdan yana biri – yurtimizda raqs san'atining qadr-qimmatini yanada ko'tarish, borini saqlash va e'zozlashdan iborat. Xususan, maqom yo'nalishidagi qadimiy raqslarimizni yanada mukammallashtirib, yoshlarga o'rgatish, raqs san'atining eng nodir namunalarini yetkazishga harakat qilayapmiz. Фойдаланилган адабиет:

Foydalanilgan adabiyotlar:

L. Avdeeva – O'zbek milliy raqs tarixidan. Tashkent 2001.

Ozbekiston milliy ensiklopediyasi (2000-2005) ma'lumotlaridan foydalanilgan.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва
спорт ишлари вазирлиги

Олий ва Урта махсус таълими вазирлиги

Тошкент Давлат Миллий рақс ва
Хореография олий мактаби

«САНЪАТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ» КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

Мавзу: Ўзбек рақс усталари

Бажарди: 2-курс
«Педагог- Хореограф»
булимий талабаси
Аламова Н.

Қабул қилди:

Ғалиев Ш.Қ.

РЕЖА:

1. Кириш: Ракс ва ракс тугрисидаги асарлар
2. Ўзбек ракс усталари
3. Хулоса

Муסיкий, муסיкий ракс тингловчига, томошабинга « хиссиетларнинг бевосита ифодаси ва фикрнинг билвосита ифодаси » сифатида таъсир килади. (хиссий «туртки» вазифасини утаб фикрни кузгайди).

Аммо инсон фикри ва хиссиетининг харакати одатда инсон психикасида енма-ен хисобланади, замонда хам, маконда хам намоен булмаиди, улар кузга хам ташланмаиди, эшитилмаиди хам. Бирок, айнан фикрнинг хиссиег билан кушилиши санъатнинг мазмуни- унинг маънавий асоси хисобланади.

Маънавий жараенлар инсонда мустакил тоифа сифатида мавжуд болади.

«Маънавий» асос куриладиган, эшитилладиган, куриб эшитилладиган образни яратиб, санъат шаклларини ташкил килади. Шунинг учун хам, мазмун ва шаклни парчалаш мумкин эмас.

Ракс томошалари- махсус ракс дастурлари- тадқиқотчи- фиксатор учун янада камрок «моддий» базага эга. Ижоддан ташкари мавжуд булган партитура еки клавир, яъни нота белгилари оркали когозга туширилган мустика ва балет сюжети еки ракс мавзуини баен килувчи либретто хореографик спектакл еки дастурнинг « вокелиги » хисобланади. Муайян оркестр ижросидаги мустика талкини, ракс «матни», яъни ракснинг мазмуний шакллари: алохида композициалар, монологлар, диалоглар, балет сахналари- олдиндан огзаки баен шаклида хам, белги шаклида хам

кайд етилмайди. Хореограф жонли намоиш- хикоя асарини яратади. Ракс шакллари бевосита ижрочилар хотирасини кайд етади.

Айтиб утиш лозимки, раккослар хотираси узига хосдир, «умуминсоний» хотира- куриш, эшитиш, хиссий хотирадан ташкари, раккослар «мушаклар хотираси»га эга булади. Бу уларга хар бир балет ва бутун репертуар балетларининг ракс партитураларини, хар бир раксни ва купгина дастурлар раксларини эслаб колишларида хамда ижро этишларида ердам беради.

Ракс пайдо булган даврдан бошлаб то шу кунгача босиб утган шаклланиш боскичларини акс эттирган бирорта миллий еки халк хореографияси тарихини яратиш- ута кийин вазифадир.

Ракс санъатидаги синфлар, турлар, хиллар ва жанрлар

Санъат фалсафаси ишлаб чиккан конунларга кура, барча Турлар, Хиллар, ва Жанрлар икки синфга ажратилади:

-Халк санъати (фолклор);

-Профессионал санъат.

Биз бунга узбек ракс санъати тарихи ва хаетидаги мухим иккита синфни хам кушамиз.

Ярим профессионал санъат- бунга турли динлар ва диний эътиқодлар санъатини киритамиз.

Хаваскорлик санъати- непрофессионал ижодкорлар ижро этадиган профессионал санъат.

Халк ракс санъати ҳам, профессионал ракс санъати ҳам асосий Тур ва Хилларга ҳамда сон-саноксиз жанрларга ажратилади.

Бу турларнинг хар бирини фарқловчи сифат белгилари Раксинг хилма-хил мазмуний шакллари тахлил килиш имконини берадиган восита, курул хисобланади. Айна мана шу «воситалар» ракснинг тугилишига сабабчи, амалиетчилар томонидан янги ракс асарларини яратиш курули хисобланади.

Тур тушунчасининг сифат белгиларидан келиб чиккан холда, Ракс санъати тушунчаси шллш Турга булинади:

- а) Спорт- гимнастик ракси;
- б) Бадиий ракс.

Аммо ракс шаклларининг сифат хусусиятларини англаб етмай туриб, ракс яратиш тамоилини тушуниш мумкин эмас.

Хореография санъати шаклларини яратувчи сифат хусусиятлари куйидаги атамалар билан таърифланади:

Тасвирий воситалар;

Ифодали воситалар;

Тасвирлаш воситалари.

а) «жонли» ҳаётдан нусха кучирувчи таклидий ҳаракатлар ва товушлар (хайвонлар, қушлар, балиқлар, судралиб юривчилар ҳатти-ҳаракатлари);

б) фақат инсонга хос ҳаётӣ ҳаракатларни (меҳнат, турмуш, ҳарбий жараёнларни) такрорловчи ҳамда уларнинг ритмик шаклларини бирлаштирувчи тасвирий ҳаракатлар.

Бирорта ҳаётӣ ҳодисани қуриш ва эшитиш орқали бевосита қайд этиш кишида тасвирий воситаларни келиб чиқаради.

Ифодали воситаларни инсонда кечаётган мабнавий жараён келтириб чиқаради. Ҳаёт ҳодисаларини бевосита қуриб, эшитиб, идрок қилиш инсон қалби орқали содир бўлади ва у Ноаник. Умумлашган товуш ҳамда ҳаракатларни келтириб чиқаради, яратади. Бу ҳаракатлар концентрацияланган инсоний ҳиссиётлар: шодлик, гам, саросима, қурқув, даҳшат, тантана ва ш у қабиларни акс эттиради; ҳиссиётлар, кечинмалар

Образни яратиб, мусликий овозлар, инсон танасининг харакатлари оркали курсатиб берилади.

Юкорида айтилганлар асосида биз «тасвирий воситалар» ни шартсиз, «ифодали» воситаларни шартли деб айтишимиз мумкин.

Тасвирий воситалар ракс шаклларида хаеий ходисаларни кура билишга ердам беради, ифодалаш воситалари санъат шаклларида ижрочи-яратувчини хам, томошабинни хам куйинишга, ачинишга, завкланишга, нафратланишга ва шу кабиларга мажбур килади.

Аммо тасвирий ва ифодали воситалар бадиий Образ яратишда деярли хеч качон соф шаклда наъцен булмаиди. Тасвирийлик ва ифодалилик (эмоционал ифода) раксда уйгун еки алмашинувчан холатда булади.

Хореография амалиетчилари хореологлар билан биргаликда ракс тушунчаси умумлашган, мавхум тушунча эканлигидан келиб чикиб, ракс санъатининг сифат белгиларини таснифлашда унинг куйидаги хилларини фарклайдилар:

1. Таклидий ракслар- хайвон, куш, балик, усимлик, инсон хатти-харакатларидан, яъни жонли табиатдан (тасвирий, ассосиатив-тасвирий ва ифодали воситалардан фойдаланган холда) бадиий нусха кучириш.

2. Тасвирий (иллюстратив) ракслар - тасвирий, ассосиатив-тасвирий ва ифодали воситалардан фойдаланган холда мехнат жараенларини-

овчи, баликчи, теримчи, ишчи, хунарманд фаолияти жараенларини еки бирор уруш жангларни акс эттирувчи ракслар.

3. Лирик ракслар- инсон туйгулари, хиссиетлари, кечинмаларини бевосита еки образли ифодаловчи ракслар.

4. Эстетик ракслар- рухшунослар «жазава» деб атайдиган, жамланган асаб туйгулари хамда кучли хиссиетларни ифодаловчи ракслар.

Ракс санъатининг навбатдаги икки хили ишлов берилган ценарийнинг ажралмас таркибий кисми хисобланади:

5. Удум ракслари- суз санъати, актерлик, цирк, муסיкий ва ракс санъатидан тузиладиган куп кисмли томошалар сюжетларининг таркибий кисмидир. Удумлар Инсон ва Табиатнинг узаро муносабатларини акс эттиради; табиатнинг «жонли» куяларини намойиш килади; таквимий даврлар (бахор, ез, куз, киш), инсон хаетидаги асосий ходисалар Тугилиш, Туй, Улимни кайд этади.

Махсус удум ракслари муайян сюжет ва муסיкий-кушик материали билан уйгунлашган тасвирий, таклидий, лирик, экстатик ракслар туплами хисобланиб, бу ижро услуби хамда характерини белгилайди.

6. Маросим ракслари- хам ишлаб чикилган сюжетли томошанинг таркибий кисми саналади. Уларни Инсон ва Жамиятнинг узаро

муносабатлари: балогат ешига етиш, жангчилар еки овчилар сафига қабул қилиш, қабила бошлиғи еки оксокол этиб сайлашга бағишланган маросим мавзулари фарқлаб туради.

Ижро услуби ва характерини белгилайдиган махсус маросим рақслари сюжет билан ишлов берилган, муסיкий материал билан бойитилган хилма-хил рақслардан таркиб топади.

Шоманлар, жодугарлар, табибларнинг экстатик рақслари, кейинчалик эса диний рақслар ҳам ишлов берилган, диний сюжетли томоша - маросимнинг махсус қисми ҳисобланади.

Профессионал рақс санъати ҳам икки асосий рақс туридан таркиб топади. Бутун халқ ижодиети ва профессионал санъатнинг бошқа Турлари негизида бошқа Хиллар вужудга келади, уларнинг ҳар бири турли минтакаларда турлича сифат белгиларига эга булади. «Профессионал рақс» булимида айнан шу ҳақда суз юритилади.

Қундуз Мирқаримова

Ўзбек раққосаси ва балетмейстери, рақслари нафис ва жозибали, ёқимли ва ўзига хос, қайтарилмас хусусиятлари билан алоҳида ажралиб турадиган, хорижий мамлакатларда ўзбек рақс санъатининг ноёб дурдоналарини намойиш этган Қундуз Мирқаримова «Ўзбекистон халқ артисти» ва «Халқ артисти» унвонлари ҳамда Муқаррама Турғунбоева мукофоти, «Дўстлик» ордени соҳибасидир.

муносабатлари: балогат ешига етиш, жангчилар еки овчилар сафига кабул килиш, кабила бошлиги еки оксокол этиб сайлашга багишланган маросим мавзулари фарклаб туради.

Ижро услуби ва характерини белгилайдиган махсус маросим рақслари сюжет билан ишлов берилган, муסיкий материал билан бойитилган хилма-хил рақслардан таркиб топади.

Шоманлар, жодугарлар, табибларнинг экстатик рақслари, кейинчалик эса диний рақслар ҳам ишлов берилган, диний сюжетли томоша - маросимнинг махсус кисми хисобланади.

Профессионал рақс санъати ҳам икки асосий рақс туридан таркиб топади. Бутун халқ ижодиети ва профессионал санъатнинг бошка Турлари негизида бошка Хиллар вужудга келади, уларнинг хар бири турли минтакаларда турлича сифат белгиларига эга булади. «Профессионал рақс» булимида айнан шу ҳақда суз юритилади.

Қундуз Миркаримова

Ўзбек раққосаси ва балетмейстери, рақслари нафис ва жозибали, ёқимли ва ўзига хос, қайтарилмас хусусиятлари билан алоҳида ажралиб турадиган, хорижий мамлакатларда ўзбек рақс санъатининг ноёб дурдоналарини намойиш этган Қундуз Миркаримова «Ўзбекистон халқ артисти» ва «Халқ артисти» унвонлари ҳамда Мукаррама Турғунбоева мукофоти, «Дўстлик» ордени соҳибасидир.

Таржимаи ҳол

Ўзбек раққосаси ва балетмейстери Қундуз Миркаримова 1928 йилда Тошкентда туғилган. 1951 йилда Москвада Катта театр қошидаги хореография билим юртини тугатган. 1943—1946 йилларда Янгийул мусиқали драма ва комедия театри, 1946—1948 йилларда Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри, 1951—1973 йилларда М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси раққосаси сифатида фаолият кўрсатиб, «Ғайратли қиз», «Катта ўйин», «Хоразмча рақс», «Уйғурча рақс», «Роҳат», «Жонон», «Най навоси», «Баҳор тонги», «Тановар», «Занг ўйин», «Помир рақси», «Дилдор», «Гулруҳ», «Раққосасидан», «Чўли ироқ», «Гулдаста», «Тоғ рақси», «Усмони рақси», «Гулноз» каби мумтоз, халқ ва замонавий ҳамда қардош халқлар рақсларини катта маҳорат билан ижро этди.

Шунингдек, мақом куйларига тушган рақслари билан ҳам машҳурдирки, унинг ижросидаги рақслар нафис ва жозибали, ёқимли ва ўзига хос, қайтарилмас хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. 1979—1983 йилларда М.Турғунбоева номидаги «Баҳор» ўзбек халқ рақс дастасига бадиий раҳбарлик қилди. Раққосанинг истеъдоди ва салоҳияти ана шу даврда янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Рақсга тушиш, рақсни саҳналаштиришнинг мураккаб ва нозик сир-асрорини устозлари Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Гавҳар Раҳимова, Наталья Губскаялардан ўрганиб, бутун таланти ва ижодий куч-қудратини ишга солиб, устозлари анъаналарини давом эттирди, кўплаб мумтоз, халқ ва ҳозирги замон рақсларини саҳналаштирди.

«Тошкент занги», «Қўқонча доира рақси», «Ёр истаб», «Тановар-1, 2, 3», «Янги тановар», «Тошкент тановари», «Фарғона тановари», «Наманган тановари», «Қўқон тановари», «Адолат тановари», «Эйсарвиравон» (мақом), «Ўрик гуллаганда», «Ўзбекистон қизлари», «Наврўз рақси»,

«Ўзбек миниатюралари», «Хамса рақси» (Зебуннисо, Увайсий, Нодира, Дилшод, Зулфия), «Хотира», «Она қалби» (композиция), «Баригал» (композиция), «Салом айтинг», «Катта бухорча», «Бисёр», «Олмача анор», «Сўзана», «Палак», «Пахта», М.Турғунбоевага бағишланган рақслар шулар жумласидандир.

Шунингдек, «Сафти муножот», «Насир сегоҳ», «Сирахирож», «Дилхирож», «Кўза рақси» ва араб, тунис, япон, турк, корейсча якка рақсларни ҳам муваффақият билан саҳналаштирди. Қ.Миркаримова Хитой, Ироқ, Швеция, Норвегия, Финландия, Франция, Италия, Ангола, Мальта, Гвинея, Мозамбик, Тунис, Шимолий Корея, Олмония, Австрия, Польша, Болгария, Чехославакия, Венгрия, Югославия, Руминия, Лаос, Мексика, Испания, Аргентина, Канада, Куба, Греция, Англия, Шотландия, Бразилия, Вьетнам каби хорижий мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек рақс санъатининг ноёб дурдоналарини намойиш этди.

1964 йилдан Тошкент хореография билим юртида педагогик қилиб, қатор истеъдодли шогирдлар етиштирди.

Ўзбекистон халқ артистлари Ўғилой Муҳамедова, Света Турсунова, Гавҳар Аминова, Дилафрўз Жабборова, Қизлархон Дўстмуҳаммедова, Малика Аҳмедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулчеҳра Жўраева, Зулайҳо Асомова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматова, Тожикистондаги «Зебо» ансамблининг ташкилотчиси Зебо Аминзода ва бошқалар Қ. Миркаримовани ўзларининг устозлари деб биладилар.

Қундуз Миркаримова «Ўзбекистон халқ артисти» (1966). ва «Халқ артисти» (1984) унвонлари ҳамда Мукаррама Турғунбоева мукофоти

(1994)

соҳибасидир.

У 1997 йилда «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Бернора Қориева

Бернора Қориева машҳур ўзбек балеринаси. ЮНЕСКОнинг маданият масалалари бўйича миллий комиссиясининг аъзоси, Б. Қориева ўзбек маданиятини дунё миқёсида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши йўлида куч-ғайратини аямай меҳнат қиляпти. У малакали мутахассисларни тарбиялаб вояга етказди, илмий-услубий асарлар яратди, илмий конференция ва турли нуфузли анжуманларда маърузалар ўқиди, мазмунли чиқишлар қилди.

Таржимаи ҳол

Машҳур ўзбек балеринаси Бернора Қориева 1936 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1952 йилда Тошкент хореография билим юртини Довгели ва Засс, 1955 йилда Москва Катта театри қошидаги Академик хореография билим юртини М. А. Кожухова устозлигида тугатиб, А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида балет солисткаси сифатида меҳнат фаолиятини бошлади.

1957 йилда Москвада бўлиб ўтган балет танловида қатнашиб, «Кумуш медал»га сазовор бўлди ва шу вақтдан бошлаб «катта балет» усталари труппаси аъзолари билан Англия, Франция, Олмония, Италия, Ямайка, Куба, Мексика, Сурия, Ливан, Ҳиндистон, Бирма, Бразилия, Аргентина ва бошқа давлатларда ижодий сафарларда бўлиб, Оврўпо мумтоз балетининг нодир дурдоналарини моҳирлик билан ижро этди.

Ўз балет санъатига эга бўлмаган ўзбек халқидан етишиб чиққан санъаткорнинг хорижда Оврўпо балетининг мураккаб партияларини илк бор моҳирона ижро этиши жаҳон томошабинларини лол қолдирди.

Реалистик балет мактабининг намояндаси, мумтоз рақснинг нозик сирларини пухта эгаллаган, ҳаётни ҳаққоний акс эттирувчи образлар устаси, чуқур кечинмаларга бой актриса образ яратишда доим янги ифода воситаларини излаб, П. Чайковскийнинг «Оққуш кўли», А. Аданнинг «Уйқудаги гўзал», «Жизель», Л. Фейгиннинг «Дон Жуан», Б. Асафьевнинг «Бохчасарой фаввораси», Р. Шchedриннинг «Анна Каренина», Л. Лапутиннинг «Маскарад»,

А. Хачатуряннинг «Спартак», М. Ашрафийнинг «Севги тумори», А. Козловскийнинг «Тановар», М. Левиеннинг «Сухайл ва Меҳри», Т. Жалилов, Б. Бровциннинг «Муҳаббат афсонаси» балетларидаги партияларини маҳорат билан ижро этди. Санъаткор сифатида бундай катта шуҳратга эришган балеринанинг ноёб истеъдоди ва маҳорати матбуотда юксак баҳоланиб, «Ўзбек Одеттаси» деб атала бошланди.

Бу ҳаётини санъатнинг энг нозик ва мураккаб тури — балет санъатининг Ўзбекистонда оммалашиши ва равнақига бағишланган санъат устаси учун олий баҳо эди. Англияда чиқадиган «Жаҳоннинг машҳур кишилари» альманахи энг талантли ва энг обрўли замондошларнинг жаҳон миқёсидаги хизматлари ва ютуқларини қадрлаб, уларга ўз саҳифаларидан ўрин бериб келади.

Шу альманахнинг 1997—1998 йил 61-нашридан "Ўзбекистон Республикасида давлат арбоби сифатида Республикамиз Президенти И. А. Каримов ва маданият арбоби сифатида Бернора Қориеваларнинг ўрин

олишлари биринчидан, мустақил Ўзбекистонни тан олиш, унинг улкан арбобларини эътироф этиш бўлса, иккинчидан, республикамизнинг машҳур санъаткорининг жаҳоннинг етук арбоблари қаторида қадрланиши санъат мухлисларини чексиз қувонтирди.

Б. Қориева кўп йиллардан бери ижод билан раҳбарлик ва таълим-тарбия ишларини қўшиб олиб бормоқда. 1988 йилда у Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси, 1992 йилда жамоат ижодий ташкилотларининг президенти этиб сайланди.

1994 йилдан Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театри директори вазифасида фаолият кўрсатиб, театр ижодий жамоасини чет эллардаги машҳур театрлар билан дўстона ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга, хорижий театрлар арбоблари билан биргаликда янги спектакллари саҳналаштиришга алоҳида эътибор бермоқда.

1979—1983 йиллар мобайнида Б. Қориева «Ёш Ўзбекистон балети» жамоасини ташкил этди ва унга бадиий раҳбар бўлди. 1990 йилда Халқаро театрлар Уюшмалари конференцияси раисининг ўринбосари, 1991 йилдан Жанубий-шарқий Осиё театрлари масалалари бўйича координацион Кенгашининг раиси бўлиб ишлади.

Унинг ташаббуси билан 1993 йилда Тошкентда «Театр-Шарқ-Ғарб» биринчи халқаро фестивали муваффақиятли равишда ўтказилди. Унда жаҳоннинг 25 мамлакати вакиллари ўз спектакллари билан қатнашдилар.

ЮНЕСКОнинг маданият масалалари бўйича миллий комиссиясининг аъзоси, Б. Қориева ўзбек маданиятини дунё миқёсида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши йўлида куч-ғайратини аямай меҳнат қиляпти.

1988 йилда хореография профессори илмий унвонига сазовор бўлган балерина А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида 1988 йилгача ўқитувчи бўлиб, малакали мутахассисларни тарбиялаб вояга етказди, илмий-услубий асарлар яратди, илмий конференция ва турли нуфузли анжуманларда маърузалар ўқиди, мазмунли чиқишлар қилди.

Таниқли маданият арбоби Бернора Қориеванинг Ўзбекистонда балет санъатининг шаклланиши ва равнақидаги хизматлари «Халқ артисти» (1973) унвони, Давлат мукофоти (1970, 1982) ва 1996 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Юлдуз Исматова

Юлдуз Исматова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, етук раққоса. У 1995 йилда Мукаррама Турғунбоева номидаги мукофот билан, 1998 йилда эса «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, етук раққоса Юлдуз Исматова 1944 йил Тошкентда туғилган.

Таржимаи ҳол

Ўзбек хореография билим юртида ўқиб юрган даврида, 1963 йили Муқимий номли мусиқали драма ва комедия театрида раққоса бўлиб фаолиятини бошлади.

1963 йилдан 1988 йилгача барча спектаклларда яқка рақсларни ижро этди. Айниқса, у «Нурхон», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Паранжи сирлари», «Севги хиёбони», «Қалам қошлигим»

спектаклларида ижро этган рақслари ва концерт репертуарига кирган «Муножот», «Тановар», «Завқим келур», «Оразбон лазги», «Гулнор», «Сайёра», «Раққоса», «Гулчи қиз», «Рақиблар» арабча, ҳиндча, афғонча рақслари билан томошабинларни мафтун этди.

Юлдуз Исматова 1976 йилда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг актёрлик факультетини тугатди.

Бу йиллар давомида спектаклларда актриса сифатида роллар ҳам ижро этди. «Қайнона»даги Офат, «Ёлғончи даркор»даги Пицакица, «Хотинимнинг эри»даги Зарифа, «Нурхон»даги Қумри, «Ярим тундаги ўғрилиқ»даги Цица, «Ҳижрон»даги Чарльтон, «Гулбаҳор қани»даги Ҳадича, «Тошболта ошиқ»даги Салтанат, «Жоним фидо»даги Валя, «Менинг жаннатим»даги Нодира, «Она қизим» даги Гўзал, «Қиз булоқ»даги Оху, «Оддий мўъжизадаги Малика ва бошқа образлар шулар жумласидандир.

Юлдуз Исматова балетмейстер сифатида ҳам ижод қилиб, «Лайли ва Мажнун», «Олифта», «Мангулик», «Гулсара», «Тоҳир ва Зухра», «Паранжи сирлари», «Нурхон» спектаклларида рақслар сахналаштирди ва қатор концерт дастурларида янги рақслар, яллалар, мақомлар яратди. «Дилафрузга тўрт ошиқ», «Олтин даврим», «Олифта», «Юлдузлар жамоли» каби спектаклларни сахналаштирувчи режиссёри ҳам бўлди.

Театр унинг ижодига, ғайратига торлик қилди шекилли, 1988 йилда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида «Тановар» миллий рақс ансамблини ташкил қилиб, Ўзбекистон Республикасида биринчи бор миллий рақс театрини (яъни миллий балетини) яратди. «Шарқ аёли»

(халқ куйи, Ю. Исматова либреттоси, 1989), «Наманган бўйлаб» (халқ куйи, Ю. Исматова либреттоси, 1990), «Севги нидоси» (Комилов мусиқаси, Ю. Исматова либреттоси, 1991), «Нодира», «Улуғбек буржи», «Севги васфи» (Халқ куйи, Ю. Исматова либреттоси, 1995) каби Ю. Исматованинг бу қийин ва мураккаб соҳадаги ижодининг маҳсулидирки, бу спектакллар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

Санъаткор спектакллар билан бир қаторда концерт дастурларини ҳам сахналаштирди.

1988—1989 йилларда «Муножот» (Якка рақс), «Тановар», «Парвоз айлади», «Хоразмча», «Доира чорлайди», «Соқиномаи савти калон» (мақом), «Эй сарви равон», «Ўхшар», «Сув парилари», «Сумбула», «Адолат тановари» (оммавий рақслар), «Афғон», «Анор-анори» (эронча), «Раққоса келди», «Араб», «Индира Гандига бағишлов» каби якка рақсларни яратди.

1990—1991 йилларда «Мавриги», «Шодиёна», «Тановар-2», «Келтурса юз бало» (мақом), «Боғлар соғиндилар», «На бўлди», «Ўйнанг қизлар», «Ҳо-ҳо-ялли» оммавий рақслари ва «Тонг шуъласи», «Эй ҳамдам» («Бобур» телеспектаклида арабча рақс), «Гулчи қизи», «Дала қалдирғочи», «Сарви гул», «Қараб қўй», «Афғон қизлари», «Рақиблар», «Бухороча рақс», «Уйғурча нимпарда», «Айрилмасин» якка ва уч-тўрт кишилиқ рақсларни 1993 йилда «Чойхона», «Ҳова-ҳова» (покистонча), «Дуторимни чертаман» (уйғурча), «Сумбул сочинг», «Бурама кўйлак» (оммавий рақс), «Сарвиноз» каби якка рақсларни сахналаштирди.

Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишланган Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида театрлашган концертда «Коинот», «Бешик»,

«Қурбон ўлам», «Юлдузлар», «Абадият» рақсларини сахнага қўйди. Хўжа Аҳрор Валийнинг 590 йиллик юбилейининг бош балетмейстери бўлди.

1995 йилда Мустақилликнинг 4 йиллигининг ката театрлашган концертида «Иншоолло», «Пахтакор» ўйингоҳида бўлган Осиё ўйинларида «Ўзбекистон болалари» рақсини, «Наврўз-95» театрлашган концертида «Коинот» оммавий рақсларни сахнага қўйишда жонбозлик кўрсатди.

У 1995 йилда Мукаррама Турғунбоева номидаги мукофот билан, 1998 йилда эса «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Хулоса

Xalqimiz san'ati va madaniyatini raqssiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Chunki yurtimizda yetti yoshdan-yetmish yoshgacha bo'lgan odam borki, qo'shiq tinglashni, yoqimli va sho'x musiqa sadolari ostida raqsga tushishni yoqtiradi. Shu bois, mustaqilligimizning ilk yillaridanoq raqs san'ati rivojiga alohida e'tibor bilan qaraldi. Davlatimiz rahbarining "O'zbekistonda milliy raqs va xoreografiya san'atini rivojlantirish" to'g'risidagi Farmoni milliy raqs san'atining rivoji va kelajagini ta'minlash imkonini berdi.

"O'zbekraqs" milliy raqs birlashmasini tashkil etish zarurati, birlashma faoliyati va vazifalari nimalardan iboratligini bilish maqsadida M.Turg'unboeva nomidagi "O'zbekraqs" milliy raqs birlashmasi bosh direktori Muyassar Sotvoldiyevaga murojaat etdik.

— Raqs eng nozik san'at turi bo'lib, xalqimizning qon-qoniga singib ketgan. O'zining betakror jozibasini, sehri bilan ruhiyatimizga ta'sir etgan, maftun qilgan go'zal olamdir. "O'zbekraqs" birlashmasining tashkil etishdan ko'zlangan asosiy maqsad ham o'zbek milliy raqs maktabi an'analarini saqlab qolish, milliylikimizni, xalqimizning urf-odat va an'analarini o'zida jam etgan yangi-yangi raqslar turlarini yaratish, qadimiy raqslarimizni tiklash, ularga yanada jozibadorlik baxsh etish, yoshlarga o'rgatish va meros qoldirishdan iboratdir. Shuningdek, viloyatlarimizda tarqoq holatda faoliyat yuritib kelayotgan raqs guruhlarini birlashtirish, yangi iste'dodlarni xalqqa tanitish kabi ezgu niyatlar bilan tuzilgan. Hozirda Qoraqalpog'iston Respublikasi va barcha viloyatlarda bo'limlarimiz tashkil etilgan bo'lib, tajribali xoreograflar, baletmeyslarni o'zida birlashtirgan. Ular bilan birga yil boshidayoq qilinadigan ishlar rejasini tuzib ishlab chiqamiz. Joylarda raqs tanlovlari, professional artistlar ishtirokida yosh iste'dodlar va san'at shonavandalari uchun amaliy mashg'ulotlar o'tkazish, kasbiy maslahatlar berish allaqachon asosiy ish rejamizdan o'rin olgan. Bu borada yurtimizda o'tkazilayotgan o'zbek raqsi maktabi asoschisi Mukarrama Turg'unboeva nomidagi raqs tanlovida juda ko'p yosh raqqosalarni topish va